



ADOLAT

№25
(677)
2008 йил,
6 июнь, жума

ADOLAT
SOTSIAL-DEMOKRATIK
PARTIYASI

Ижтимоий-сиёсий газета

adolat_gazeta@mail.ru

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов 4 июнь кун Оқсаройда Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг (ЕХХТ) амалдаги раиси, Финляндия ташқи ишлар вазири Александер Стуббни қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, уни нафақат ЕХХТнинг амалдаги раиси, айни пайтда Ўзбекистон билан самарали ҳамкорлик қилиб келаётган Финляндия ташқи ишлар вазири сифатида ҳам ҳурмат қилишини таъкидлади.

Ўзбекистон мустақиллигининг илк давридаёқ ЕХХТга аъзо бўлиб, ушбу нуфузли халқаро ташкилот билан минтақавий хавфсизлик ва барқарорлиқни мустаҳкамлаш, фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш, халқаро иқтисодий ва гуманитар ҳамкорликни кенгайтириш ҳамда экология соҳаларида ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Ўзбекистон ташаббуси билан 1995 йили Тошкентда ЕХХТнинг Марказий Осиё мамлакатлари билан алоқалар бўйича бюроси очилган. Айни пайтда юртимизда ЕХХТ лойиҳаларининг мувофиқлаштирувчиси фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистон-Финляндия муносабатларига Президент Ислон Каримовнинг 1992 йили ушбу мамлакатга ташрифи асосида асос солинган. Мамлакатларимиз парламентлари, ташқи сиёсат ва ташқи савдо маҳамалари делегацияларининг ўзаро ташрифлари изчил давом этмоқда.

Финляндия Европа Иттифоқи давлатлари орасида биринчи бўлиб Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи ўртасида имзоланган Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимни ратификация қилган. «Ўзбекистон-ЕИ» ҳамкорлик кенгашининг дастлабки мажлиси 1999 йилда Финляндия раҳбарлигида ўтказилган.

Мамлакатларимиз ЕИ ва ЕХХТдан ташқари, БМТ ҳамда НАТОнинг «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастури доирасида ҳам ҳамкорлик қилмоқда.

Иқтисодий ҳамкорлик ҳам изчил ривожланмоқда. Ўзбекистон Финляндияга нефтни қайта ишлаш маҳсулотлари, ўғитлар, хизматлар экспорт қилади, ушбу мамлакатдан юртимизга целлюлоза ва кимё маҳсулотлари, электр ва механик ускуналар, дори-дармон, резина буюмлар импорт қилинади. Мамлакатимизда финляндиялик сармоядорлар иштирокида тўзилган «Scantix-Samakand», «Nokia Siemens Network Tashkent» каби корхоналар фаолият кўрсатмоқда.

Александер Стубб самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдириб, Финляндия Ўзбекистон билан икки томонлама асосда ҳамда халқаро ташкилотлар доирасида кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантириш тарафдори эканини таъкидлади.

Оқсаройдаги мулоқот чоғида Ўзбекистон-Финляндия муносабатларининг бугунги аҳоли ва истиқболларига, мамлакатимизнинг ЕХХТ билан ҳамкорлигига доир масалалар муҳокама қилинди.

(Ў.А)

Тошкент Давлат аграр университети аспиранти Гулнора Жалилова зиёли оиласида дунёга келди. Пойтахтимиздаги 249-ўрта мактабни намунали битирган Гулнора аксарият қизлар танлайдиган касбларни эмас, балки биология-тупроқшунослик йўналишини танлади — 1992 йили Ўзбекистон Миллий университетининг биология-тупроқшунослик факультетига ўқишга кирди. Мазкур билим даргоҳини битиргач, Ўзбекистон Республикаси Гидроингеоилмий текшириш институтидаги Ерни космик материаллар воситасида таҳлил қилиш лабораториясида аввал техник-лаборант, кейинчалик муҳандис вазифаларида ишлади.



ЮРТ РАВНАҚИГА ХИЗМАТ ҚИЛИШ — ОЛИЙ БАХТ

дейди Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендияси соҳибаси Гулнора Жалилова

ҲАМКОРЛИК КЎЛАМИ КЕНГАЙМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов 4 июнь кун Оқсаройда Франция Медиатори Жан-Поль Делевуани қабул қилди.

— Сизнинг ташрифингизни Франция жамоатчилиги делегациясининг ташрифи деб қабул қилами, — деди мамлакатимиз раҳбари. — Бу Франциянинг нафақат давлат тузилмалари, балки жамоат ташкилотлари ҳам Ўзбекистон билан ҳамкорликка қизиқишдан далолатдир. Ташрифингиз юртимизда ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар жараёни билан танишиш учун яхши имкониятдир.

Францияда Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳиятига катта қизиқиш, ўзбек халқининг тарихи ва маданиятига юксак ҳурмат билан қаралади. Президент Ислон Каримовнинг 1996 йили Парижга расмий ташрифи асосида Франциянинг ўша пайтдаги Президенти Жак Ширак Ўзбекистонга, ўзбек халқининг тарихи ва маданиятига ҳурмат белгиси сифатида давлатимиз раҳбарига Соҳибқирол Амир Темурнинг Франция Кириол Шарль VI га йўллаган мактубини тақдим этган эди. ЮНЕСКО қароргоҳи joyлашган Парижда 1994 йилда Мирзо Улуғбекнинг 600 йиллик, 1996 йилда Амир Темурнинг 660 йиллик юбилейлари, 1997 йилда эса Бухоро ва Хиванинг 2500 йиллик тўйлари кенг нишонлангани мазкур фикрнинг яна бир ёрқин далилидир.

Мамлакатларимиз ташқи сиёсат маҳкамалари ўртасида мунтазам маслаҳатлашувлар йўлга қўйилган. 2007 йилнинг октябр ойида Франция Ташқи ишлар вазири делегациясининг

Ўзбекистонга ташрифи чоғида сиёсий маслаҳатлашувларнинг навбатдаги босқичи ўтказилди.

Парламентларо алоқалар изчил ривожланмоқда. Франция Сенатида «Франция-Марказий Осиё» парламентларо гуруҳи, Миллий йиғинида «Франция-Ўзбекистон» дўстлик гуруҳи тўзилган. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатида Франция Сенати билан ҳамкорлик бўйича парламентларо гуруҳ ташкил қилинган.

Иқтисодий соҳада Ўзбекистон билан Франция ўртасида энг кўп қўлайлик яратиш тартиби жорий қилинган. Утган йили ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 321,9 миллион АҚШ долларини ташкил қилди. Юртимизда франциялик сармоядорлар билан биргаликда тўзилган «Миришкор» (чигитни қайта ишлаш), «Кюфра» (поябаз ишлаб чиқариш) каби қўшма корхоналар, Франциянинг 11 фирма ва компанияси, «Креди Коммерсиаль де Франс» ва «Сосьете Женераль» банкларининг ваколатхоналари фаолият кўрсатмоқда.

Гуманитар ҳамкорликнинг ҳам кўлами кенг. Франция билан макро-иқтисодиёт, молия, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни бошқариш учун кадрлар тайёрлаш йўналишида самарали ҳамкорлик қилинмоқда. Икки мамлакат мутахассислари кўшма энергиясини ўрганиш, юқумли касалликларнинг олдини олиш ва уларга қарши курашиш, селекция каби соҳаларда қўшма тадқиқотлар олиб бор-

моқда. Францияда ўзбек, Ўзбекистонда француз мумтоз адабиёти вақчаларининг асарлари таржима этилиб, чоп қилинмоқда. Хусусан, Францияда Алишер Навоий газаллари ва Амир Темур тузуқлари нашр қилинди. Олий ўқув юртинининг таълим соҳасидаги ҳамкорлиги доирасида талабалар алмашуви, ўқитувчилар малакасини ошириш йўлга қўйилган.

Франция Медиаторининг ташрифи асосида икки мамлакат омуздасманлари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзолангани бу йўналишдаги алоқалар ҳам мустаҳкамланиб бораётганидан далолат беради.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда Президент Ислон Каримов раҳбарлигида ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш борасида амалга оширилаётган ишлар юксак самара бермоқда. Хусусан, Омуздасман институти, унинг минтақавий вақчалари фаолият кўрсатмоқда. Бу эса фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини химоя қилиш механизми янада такомиллашувига хизмат қилмоқда.

Оқсаройдаги учрашувда Жан-Поль Делевуа самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдирди. Ўзбекистон-Франция муносабатлари барча соҳаларда изчил ривожланаётганини, қарови кенгайиб, янги мазмун билан бойиб бораётганини таъкидлади.

Сўхбат чоғида мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликка доир масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(Ў.А)

Хозирги кунда у Агро-кимё ва тупроқшунослик кафедрасида биология фанлари доктори, профессор Лазиза Ғофурова раҳбарлигида «ГИС технологиялари қўллаш асосида Сўқоқсой бассейнининг эрозия хавфи бўлган ерларни аниқлаш ва баҳолаш» мавзусида илмий изланишлар олиб бормоқда.

«Бу мавзунинг таълимнинг сабаби бор. Республикада охириги 20 йил мобайнида мазкур соҳада олиб борилган кузатишлар шунинг кўрсатишича, амалга оширилган ишлар, асосан, эрозиянинг тарқалиши, уларни харитага тушириш билан эрозияга қарши чора-тадбирларни қўллаш билан

чекланилган, — дейди ёш тадқиқотчи. — Лекин хозирги вақтда ер кадастрининг автоматлаштирилган тизимини яратиш, шунингдек, ер ресурслари мониторингини автоматлаштириш тизимига ўтказиш асосий мақсад қилиб қўйилган. Шу боис, биз ҳам ўз олдимизга замонавий усуллардан, яъни ГИС (географик информация система — атроф-муҳитни, оламда рўй бераётган табиий ҳодисаларни харитага тушириш ва таҳлил қилганидан замонавий компьютер технологиясини) қўллаган ҳолда фақат эрозиянинг тарқалиши, уларни харитага тушириш билан эрозияга қарши чора-тадбирларни қўллаш билан

ган ҳудудларни олдиндан аниқлаш, уларга баҳо бериб, тематик хариталар яратиш ишларини режалаштиришга эришилди. Мутахассислар Гулнора илмий тадқиқот учун долзарб мавзу танлангани, у олиб бораётган илмий изланишлар муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлашмоқда. Шу кунгача ёш тадқиқотчи изланаётган мавзу бўйича республика миқёсидаги, шунингдек, халқаро илмий анжуманларда 20 га яқин илмий мақолалар ва тезислар билан чиқди. 4 та маълумотлар базасини яратиш, муаллифлик гувоҳномасига эга бўлди. Яқинда унинг илмий раҳбарлари ҳаммуаллифлигида эрозия жараён-

лари муаммоларига бағишланган монографияси ва тавсияномаси чоп этилди. Муваффақиятлар салмоғи қилинган меҳнатга арзийлик. Ёш олимга ўз устида тинимсиз ишлади, у ўз соҳасининг ҳақиқий фидойиси. 2006 йил Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирилик томонидан ташкил этилган фундаментал тадқиқотлар танловида голлибланга қўлга киритди. Энг муҳими, бундай самарали фаолиятлар натижасида Гулнора Жалилова 2008 йилги агросаноат йўналиши бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат стипендияси соҳибаси бўлди.

Носир ХАЙДАРОВ,
«Адолат» мухбири.

Парламент ҳаёти

ФРАКЦИЯ ЙИҒИЛИШИДА

депутатларнинг сайловчилар билан бўлиб ўтган учрашувлари муҳокама қилинди

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси фракциясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда дастлаб депутатларнинг сайловчилар билан учрашувлари кизгин муҳокама қилинди.

Маълумки, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Регламентининг 62-моддасида депутатлар ҳар йили уч марта, яъни февраль, май ва ноябрь ойларининг охириги ҳафтаида ўз сайлов округларида сайловчилар билан учрашувлари бўлиб ўтди. Шунга қўра, «Адолат» СДП фракция аъзолари ҳам яқинда жойларда ўз сайловчилари билан учрашувлар ўтказдилар. Таъкидландики, очик мулоқот тарзида ўтган ушбу учрашувларда асосий эътибор мамлакатимизда қабул қилинаётган қонунларнинг мазмун-моҳиятига, юртимизда олиб борилаётган барча жабҳалардаги ислохотларга қаратилди. Шунингдек, сайловчилар би-

лан учрашувларида «Ёшлар йили» Давлат дастури ижроси хусусида ҳам атрофлича сўз юритилди. Депутатлар учрашувлар чоғида Президентимизнинг «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси» қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури тўғрисида «ги Фармони ҳамда «Юксак маънавият — энгилмас куч» номли китоби хусусидаги фикр-мулоҳазалар кизгин муҳокама қилинди. Таъкидландики, очик мулоқот тарзида ўтган ушбу учрашувларда асосий эътибор мамлакатимизда қабул қилинаётган қонунларнинг мазмун-моҳиятига, юртимизда олиб борилаётган барча жабҳалардаги ислохотларга қаратилди. Шунингдек, сайловчилар би-

лан учрашувларида Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунини кенг муҳокама нишонланди. Айниқса, бу йўналишдаги тадбирлар кўнгли ўқсик болалар тарбияланаётган муассасалар — меҳрибонлик уйларида тантанали кўринишда ташкил этилгани мурғак қалбларни шод этди, уларнинг келажакка бўлган ишончини орттиришга хизмат қилди. Болаларнинг ҳимояси, айни кунларда ҳам мазкур ташаббус билан ана шундай тадбирлар болажонларга ўзгача руҳ, ўзгача кувонч бахш этмоқда. Яқинда «Адолат» СДПнинг Оҳангарон тумани Кенгаши ташаббуси билан ана шундай тадбир уюштирилди. Унда боқувчисини йўқотган 100 нафар ўғил-қизларга байрам совғалари улаштирилиб, дастурхон ёзилди. Катта шодликка айланган кетган тадбир иштирокчиларда унутилмас таассурот қолдирди.

(Давоми 2-бетда).

КИЧКИНТОЙЛАР ШОД БЎЛДИ

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунини кенг муҳокама нишонланди. Айниқса, бу йўналишдаги тадбирлар кўнгли ўқсик болалар тарбияланаётган муассасалар — меҳрибонлик уйларида тантанали кўринишда ташкил этилгани мурғак қалбларни шод этди, уларнинг келажакка бўлган ишончини орттиришга хизмат қилди.

Болаларнинг ҳимояси, айни кунларда ҳам мазкур ташаббус билан ана шундай тадбирлар болажонларга ўзгача руҳ, ўзгача кувонч бахш этмоқда. Яқинда «Адолат» СДПнинг Оҳангарон тумани Кенгаши ташаббуси билан ана шундай тадбир уюштирилди. Унда боқувчисини йўқотган 100 нафар ўғил-қизларга байрам совғалари улаштирилиб, дастурхон ёзилди. Катта шодликка айланган кетган тадбир иштирокчиларда унутилмас таассурот қолдирди.

Умид ДУСТҚОБИЛОВ.

ОЛИЙ МАЖЛИСДА УЧРАШУВ

Мамлакатимизга ташриф буюрган Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг (ЕХХТ) амалдаги раиси, Финляндия ташқи ишлар вазири Александер Стубб раҳбарлигидаги делегация 4 июнь кун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери Дилором Тошмухамедова билан учрашди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан ЕХХТ ўртасидаги алоқалар барча йўналишларда, жумладан, парламентаризм соҳасида ҳам изчил ривожланиб бораётгани алоҳида таъкидланди. Ўзбекистон ва ЕХХТ муносабатларининг бугунги аҳоли ва истиқболларига, мамлакатимизнинг ЕХХТ билан ҳамкорлигига доир масалалар муҳокама қилинди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан ЕХХТ ўртасидаги алоқалар барча йўналишларда, жумладан, парламентаризм соҳасида ҳам изчил ривожланиб бораётгани алоҳида таъкидланди. Ўзбекистон ва ЕХХТ муносабатларининг бугунги аҳоли ва истиқболларига, мамлакатимизнинг ЕХХТ билан ҳамкорлигига доир масалалар муҳокама қилинди.

ЕХХТнинг амалдаги раиси Президент Ислон Каримовнинг 2008 йил 1 май кун қабул қилинган «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури тўғрисида»ги фармони Ўзбекистон умуминсоний қадриятларга содиқлигининг яна бир далили бўлганини алоҳида таъкидлади, мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик жараёнлар,

қонун устуворлигини таъминлаш ҳамда фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини химоя қилишга қаратилган ишларга юксак баҳо берди. — ЕХХТ Ўзбекистон билан сиёсий, савдо-иқтисодий, ҳуқуқий соҳалардаги ҳамкорлиқни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлашдан манфаатдор, — деди А.Стубб. ЕХХТ делегацияси Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазириликда ҳам музокара ўтказди.

(Ў.А)

“АДОЛАТ” С Д П

Ҳаётимизда

ФРАКЦИЯ ЙИГИЛИШИДА

(Давоми. Бошланғичи 1-бетда)

Шу аснода, ханузгача ўз ечимини кутаётган айрим камчилик ва муаммолар ҳам руй-рост айтилди. Масалан, маҳалларда ташкилий ишлар яхши йўлга қўйилмаган, қишлоқ врачлик пунктларида зарур дори-дармон воситалари етишмайди, айрим дўконларда йодланмаган туз сотилмоқда... Бу каби муаммолар мутасадди раҳбарлар билан биргаликда муҳокама қилинди, уларни бартараф этиш йўллари изланди.

Учрашувлардан хулоса шуки, аҳолининг ҳуқуқий, сиёсий саводхонлиги сезиларли даражада ошган, —

деди партия фракцияси аъзоси Абдурафик Аҳадов. — Буни фуқароларнинг сугурта тизими ҳақидаги саволлари, мулоҳазалари, салмоқли фикрларидан ҳам аниқлаш қийин эмасди.

Ургут туманида 450 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади, фермерларнинг сони эса икки мингдан ортиқ. Бу имкониятлар кенгайиб бораётганидан далолат беради. Аммо туманда “Адолат” СДП фаолиятини кучайтириш борасида жиддий ўйлаб кўриш керак, назаримда.

Шу ўринда яна бир гап: мутасадди раҳбарлар депутатлар томонидан ўрганилган

муаммо ва камчиликларни қўғозда қолдирмай, албатта кўриб чиқишлари керак.

Йиғилишда фракция аъзолари Мамит Аскарлов, Худойёр Маматов, Ойша Охунова, Абдулла Абдуназаров ва бошқа депутатлар ҳам сайловчилар билан бўлиб ўтган учрашувлари хусусида гапирди.

Фракция йиғилишида партия наشري — “Адолат” ижтимоий-сиёсий газетасининг фаолияти муҳокама қилинди.

Қурилган масалалар юзасидан фракция нўқтани назари белгилан олинди.

Фарҳод ЭСОНОВ,
“Адолат” мухбири.

Фаолларимиз

Мамлакатимизда амалга оширилаётган сиёсий ислохотлар жараёнида партиялар зиммасига катта масъулият юкланмоқда. Бу эса янгилаётган жамиятда партияларнинг роли тобора ортиб бораётганидан далолат беради. Айниқса, ҳозирги кўппартиявийлик муҳитида соғлом рақобат вужудга келиб, ҳар бир партия юрт равнақи ва фаровонлиги йўлида бор имкониятларидан тўла фойдаланаяпти.

ЗАМОН БИЛАН ҲАМНАФАС

Улар ўз мавқеини кўтаришга, аъзолар ва тарафдорлари сонини кўпайтиришга ҳаракат қилмоқда. Бундай шароитда тўхтаб қолиш, фақат ўқоридан келадиган буйруқ ва кўрсатмаларни кўтиб ўтириш билан ҳеч нарсага эришиб бўлмайди. Аксинча, қанчалик шижоат ва ташаббускорлик билан янги гоёлар асосида иш олиб борилса, аҳолининг қизиқиши ва ишончи ортади.

Ана шундай изланувчан ва тиришқок, ўз ишига сийқидилдан ёндашадиган инсонлардан бири Хоразм вилояти “Адолат” СДП Урганч тумани Кенгаши биринчи котиби Моможон Норметовадир. Унинг иш жараёнини кўзатар экансиз, ўз билим ва тажрибаси, амалда қилаётган ишлари орқали бошқаларга ўрнак бўла олади, деб бемалол айта оласиз.

Туманда йил бошидан буён 30 нафар янги аъзолар қабул қилиниб, 381 нафарга етди. Уларнинг асосий қисми зиёли, фаол ёшлардан иборат. Буғунда 26 та бошланғич партия ташкилоти фаолият юритиб турибди.

— Туманда содир бўлаётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар ва ечимини кутаётган баъзи муаммоларга ўз муносабатимизни билдириб келаямиз, — дейди М.Норметова. — Худудимиздаги деярли барча маҳаллаларда «Партиянинг дастури ва вази-фалми» мавзусида учрашувлар ўтказиб, аҳолига партия фаолияти тўғрисида ахборотлар бераёلمиз. Сафимизни билимли ва ташаббускор ёшлар ҳисобига кенгайтиряёмиз. Бошланғич партия ташкилотлари сонини ҳам кўпайтириш борасида ишляёмиз.

Жорий йилнинг биринчи чораги давомида турли тадбирлар, учрашувлар ва давра суҳбатлари ташкил қилинди. Ҳар хил кўрик-танловлар уюштирилиб, жами 385 минг сўмлик хайрия ишлари амалга оширилди. “Ёшлар — бизнинг келажакимиз”, “Гийҳвандлик — аср вабоси”, “ОИТСиз келажак сари” каби долзарб мавзулардаги суҳбатлар, “Нафосат”, “Зулфияхоним издошлари” ва ногирон ўқувчилар ўртасида “Ранглар жилоси” деб номланган кўрик-

танловлар ўтказилди. Иқтидорли ўқувчи-ёшлар мунтазам равишда рағбатлантирилмоқда. Асосий хайри ишлардан яна бири 1992 йилда таваллуд толган ўқувчилар ўртасида миллий кураш бўйича мусобақа ташкил этилиб, “Адолат” СДП кубоги таъсис қилингандир. Мусобақа март ойида тумандаги “Пахлавон” болалар спорт маъмурида бўлиб ўтди ва вилоятнинг барча шаҳар ва қишлоқларидан 50 нафар спортчи қатнашди. Ғолиблар партия кубоги ва эсдалик совғалар билан тақдирландилар. Шунингдек, Президентимизнинг “Ёшлар йили” Давлат дастури тўғрисидаги қароридан келиб чиқиб, худудимизда жойлашган илм масканларида ҳар хил тадбирлар ташкил қилаёلمиз. Ёш авлоднинг чуқур билим олиши, ҳар томонлама етуқ ва баркамол шахс бўлиб вояга етишлари ва ҳаётда ўз ўринларини тоғиб кетишлари учун уларга гапхўрлик қилишимиз ҳамда тўғри йўлни кўрсатишимиз зарур. Уларнинг онгида миллий истиқлол гоёлари ва Ватанга бўлган меҳр-муҳаббатни шакллантириш ҳар биримизнинг бурчимиздир. Кези келганда шуни ҳам таъкидлаб ўтмоқчиманки, “Адолат” СДП кубоги мусобақаларини бутун республика миқёсида ўтказасан нур устига нур бўлар эди.

Яқинда тумандаги ўқувчилар иходиёт марказида турли кўрик-танловларда ғолиб бўлган 12 нафар ўқувчи партиянинг фахрий ёрлиқлари ва совғалари топширилди. Анқуманда қатнашган 300 нафар аъзолар партиянинг кўкрак нишонини тарқатилди.

Дарвоқе, “Адолат” СДП Урганч тумани Кенгаши котиби Х.Қозоқов, партия фаоли, туман Кенгаши депутати М.Аминовларнинг фаолиятини алоҳида таъкидлаш лозим. Тумандаги кам таъминланган оилалар доимо улар эътиборида. Кенгаш аъзолари эзгу ниятлар йўлида ҳамisha ҳам-фикр ва ҳамнафасликда фаолият юритиб келишмоқда.

Зоир АВАЗОВ,
“Адолат” мухбири.

ИСТИҚЛОЛ БЕРГАН ИМКОНИЯТ

Мамлакатимизда саноатни модернизация қилиш ҳамда уни техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, сифатли, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, экспорт салоҳиятини оширишга қаратилган чора-тадбирлар бугун ўз самарасини бераёпти. Буни жорий йилнинг биринчи чорагида туманимизда ишлаб чиқаришнинг аксарият кўрсаткичлари ўтган йилнинг шу даврига нисбатан анча ошириб удаланганидан ҳам билиш мумкин.

Туманда йилнинг дастлабки уч ойида 9 миллиард 756 миллион 100 минг сўмлик турли хил саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. Бу ўтган йилнинг шу давридагидан 108,8 фоиз кўп демакдир. Чорак давомида 196 миллион 200 минг сўмлик халқ истеъмолчи моллари ишлаб чиқарилди, «Чинобод пахта тозалаш» ҳамда Алишер Навоий номи илмий-ишчилик ва тўқув хиссадорлик жамиятлари томонидан экспорт қилинаётган маҳсулотлар ҳажми 2 миллион АҚШ долларида ошиб кетди. Бугун туманимиздаги сананоат корхоналарида ишлаб чиқарилган маҳсулотларни Осиё ва Европадаги қатор ривожланган хорижий мамлакатларда уратиб мумкин.

Илгарилари туманимиз қишлоқ хўжалиги тўғрисида гап кетганда кўпчилик пахтачилик ва ғаллачилик соҳасини тушунарди, холос. Истиқлол шароити билан мева-сабзавотчиликни ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. Бу соҳага ихтисослашган деҳқон ва фермер хўжалиқларининг маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналари, аҳолига турли хизмат кўрсатиш муассасалари билан ҳамкорлиги йўлга қўйилган. Янги ташкил этилган “Балиқчи” агрофирмаси фермер хўжалиқларидан 1 миллиард 474 миллион сўмлик ёки 12322 тонна маҳсулотни қайта ишлаш учун шартнома тўзди. Бу эса ўз навбатида халқимиз дастурхонини тўқин бўлишини таъминлайди.

Туманда чорвачиликни ривожлантириш дастури доира-

ОЧИҚ МУЛОҚОТ МУЛОҲАЗАГА ЧОРЛАДИ

“Ёш адолатчилар”нинг парламент ҳаёти билан яқиндан танишиши депутатликка номзодлар захирасини шакллантиришга хизмат қилади

Ўзбекистон “Адолат” СДП Тошкент шаҳар Кенгашининг “Ёш адолатчилар” клуби аъзолари ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари билан учрашув ўтказилди. Унда “Ёшлар йили” Давлат дастури доирасида амалга оширилаётган ишлар, парламент кўйи палатаси томонидан ишлаб чиқилаётган янги қонун лойиҳалари хусусида фикр-мулоҳазалар юритилди.

Учрашувда, шунингдек, давлатимиз раҳбарининг яқинда нашрдан чиққан “Юксак маънавият — энгилмас куч” номили китоби ҳақида ҳам атрафли фикр билдирилди. Тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари Исмоил Саифназаров, Абдулла Абдуназаров, Ойша Охунова ва бошқалар китобда ўртага қўйилган муҳим ижтимоий-маънавий масалалар гоятда муҳим аҳамият касб эти-

шани таъкидлашди.

Маъфуза Одилова,
ЎзДЖТУ талабаси:

— Юртбошимизнинг ушбу китобини мутлола қилганимизда ҳар бир кишини бугунги глобаллашув жараёнида дунёнинг муҳим маънавий муаммолари хусусида ўйлаш, фикр юритиш ва тегишли хулосалар чиқаришга давлат этаётганини аниқладим. Ҳар бир ўқувчи, талаба бу китобни ўқиб-ўрганиши лозим.

Шерзод Тошхонов, ТТЭСИ қошидаги академик лицей ўқувчиси:

— Учрашув менда унутилмас таассурот қолдирди. Айниқса, Юртбошимизнинг “Юксак маънавият — энгилмас куч” номили китоби ҳақидаги депутатларнинг мулоҳазаларидан аниқладимки, ушбу китоб кенг жамоатчилик учун муҳим қўлланма бўлиб хизмат қилади.

Тадбирда “Ёш адолатчилар” мамлакатимиз қонунчилик ҳаёти билан яқиндан танишиши имкониятига эга бўлишди. Бу эса ҳозирдан оқибатда депутатликка номзодлар захирасини шакллантириб боришга хизмат қилиши шубҳасиз.

Ф.ЭРКИНОВ,
“Адолат” мухбири.



ЁШЛАР ИСТИҚБОЛИНИ КЎЗЛАБ

таълим муассасалари учун қурилаётганида ҳикмат кўп

Ургут туманининг осмонўпар тоғ этагида жойлашган Тўртўл қишлоғида азалдан аҳоли зич истиқомат қилган. Шаҳар марказидан узоқ ва транспорт қатнови хийла мураккаблиги боис қишлоқ ёшлари ўқиш ва ҳунар ўрганишда қийналиб келишарди. Энди уларнинг орзулари амалга ошадиган бўлди. Тўртўлда ҳукумат дастури асосида бир йўла 720 талабага мўлжалланган гоят кенг ихтисосликлар бўйича таълим берадиган янги замонавий коллеж барпо этилмоқда.

Тендер қиймати 2 миллиард 72 миллион сўмлик мазкур объектни Самарқанднинг энг моҳир қурувчилари — Али Абдуллаев бошлиқ “Дамир” корхонаси тезкорлик билан барпо этмоқда. Бўлғуси коллеж уч қаватли қулайликларга эга бинода жойлашади. Уни қуришда мрамар, пишик гишт, тоза ёғоч ва бошқа асл бинокорлик жиҳозларидан фойдаланилмоқда. Мақсад коллеж узоқ вақт ёшлар камолоти йўлида хизмат қилсин, уларни Ватанинг муносиб фарзандлари этиб тарбияласин.

Шундай туйғу, шундай муносабат Самарқанд вилоятининг кўплаб қишлоқларида мактаб ва коллежлар барпо этаётган қури-

лиш ташкилотлари учун даъват қилган.

— Биз ҳам Самарқанд туманининг Ражабали қишлоғида 420 ўринли, тендер қиймати 894 миллион сўмлик мактаб қураёلمиз, — дейди “Барокат қурилиш-сервис” корхонаси раҳбари Мурод Қобилов. — Ўз ишлаб чиқариш базамиз ва зарур техникага эгалигимиз боис қурилишни барвақт, сифатли яқунлашни мўлжаллаёلمиз. Бинонинг ташқи безаклари учун энг сара мармарни Қашқадарёдан олиб келаямиз. Бироз қиммат, лекин кўркам, мёморий ечимга мос.

Иштихон туманининг олис Чордара қишлоғида барпо этилаётган маиший хизмат коллежи 540 ўқувчини ўз бағрига олади. Тендер нархи 1 миллиард 890 миллион сўмлик мазкур таълим даргоҳини Баҳодир Очилов бошлиқ 7-механизациялашган кўчма қурилиш корхонаси лойиҳа асосида барпо этмоқда. Ҳамза Қодиров, Ширинбой Назаров, Шокир Давронов сингари қурувчи-мутахассислар ҳар битта ишни юқори технология асосида, бардошли, мустаҳкам тарзда амалга оширмоқдаларки, бино чинакам мяморий санъат қошонасига айланмоқда.

— Булунғурнинг Мирзабоши қишлоғида барпо этилаётган кол-

лежда ҳар битта ўқувчи ўрни учун 3 миллион 600 минг сўм сарфланмоқда, — дейди бошпудратчи “Афросиёбурилиш-сервис” корхонаси раҳбари Мухсин Шукуров. — Бу харажати хунар ўрганган ёшлар батта оқлашлари, мамлакат таълимига ажойиб битиклар чи-зишлариغا ишонаман.

Зоир ТУРАҚУЛОВ,
“Адолат” мухбири.

Суратларда: “Барокат қурилиш сервис” раҳбари М.Қобилов ва бош муҳандис Раҳим Мўминов. Қурилишдан лавҳалар. Муаллиф олган суратлар.

БАНК КРЕДИТИ — ФАРОВОНЛИК АСОСИ

дейишмоқда нуроталик тадбиркорлар

Мамлакатимиз аҳолисининг асосий қисми марказдан олисда жойлашган қишлоқ ва овулларда истиқомат қилишади. Бу эса ўз навбатида қишлоқларда ишлаб чиқариш корхоналари бунёд этиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, янги мулкдорлар синфи — фермерлик ҳаракатини янада ривожлантиришни тақозо қилмоқда. Шу боисдан ҳукуматимиз томонидан аграр соҳада олиб борилаётган иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш борасида бир қанча чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб амалиётга жорий қилинмоқда, бу қишлоқларда инфратузилма шаклланишига, аҳоли муқим иш билан таъминланиш, даромадлари кун сайин ошиб боришига хизмат қилмоқда. Айниқса, амалга оширилаётган бу амалий

ишлар самараси олис қишлоқларда ҳам бўй кўрсатаётгани бу борада танланган йўл нечоғлик тўғри эканини намоян эътибор.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, тижорат банклари томонидан имтиёзли шартлар асосида ажратилаётган кредит маблағлари ҳам қишлоқ аҳолиси фаровонлигини таъминлашда муҳим омил бўлмоқда. Биргина акциядорлик тижорат “Пахтабанк”нинг Нурота тумани филиали томонидан жорий йилнинг 1 май ҳолатига кўра жами 876 миллион сўм миқдорда кредит маблағлари ажратилди. Шундан кичик бизнесни ривожлантиришга 128 миллион, хусусий тадбиркорликка 656 миллион, чорвачиликни ривожлантириш учун 92 миллион сўм йўналтирилган.

Тумандаги “Семург” фермер

хўжалиги раҳбари Умирқул Нарзуллаевнинг бугун кайфияти зўр, ишчанлиги янада ортган, десак бор гап. Негаки, у кичик бизнесни ривожлантириш, фермер хўжалиги аъзоларининг моддий манфаатдорлигини ошириш учун “Пахтабанк”нинг туман филиалига кредит беришни сўраб ариза ёзганди. Банк мутасаддилари унинг бизнес-режаси билан танишиб чиқиб, 40 миллион сўм миқдорда кредит маблағи ажратишга қарор қилди. Ишнинг кўзини билган фермер олган бу маблағни даромадли ишларга сарфлаб, кредит фойзаларини ўз вақтида тўлаб бораёпти.

— Йирик шохли чорва молларини сотиб олиб, оилавий шароитини яхшилаб оламан деган ниятда имтиёзли микрокредит бе-

Ислохот одимлари

ришни сўраб “Пахтабанк”ка ариза берган эдим, — дейди фуқаро Хайридин Самаров. — Банк мутасаддилари топширган ҳужжатларни тез орада ўрганиб чиқиб, менга йиллик 5 фоизли микрокредит ажратишни белгиледи. Айтганча, банк соҳаларини ҳам ўз вақтида тўлаб бораёлман. Келгусида бу серदारомад фаолиятимни янада кенгайтираётман.

Дарвоқе, акциядорлик тижорат “Халқ банки” томонидан ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун кредит маблағлари ажратилиётгани тумандаги тижорат банклари барча соҳаларнинг ривожланишига эътибор бераётганидан далолат.

— Банклар иқтисодий барқарорлигини таъминловчи бош омил ҳисобланади, — дейди АТ “Халқ

банки”нинг туман филиали бошқарувчиси Аббор Суннатов. — Шуни ҳисобга олган ҳолда банкимиз филиали томонидан ажратилаётган кредит маблағларининг мақсадли сарфланишига, аҳоли фаровонлигини оширишга қаратилган қонун ва қарорларнинг ижросини таъминлашга хизмат қилиши керак. Ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш учун бир нафар оилага 16 миллион, савдо-сотик билан шуғулланадиган тадбиркорларга 33,5 миллион, фермер хўжалиқлари ва хусусий фирмаларга 118 миллион 525 минг сўм, яқна тартибдаги тадбиркорларга чорвачиликни ривожлантириш учун 25 миллион сўм миқдорда кредит маблағлари ажратилди.

Бахтиёр ТОШНАЗАРОВ,
“Адолат” мухбири.

ИШ ЎРИНЛАРИ КЎПАЯДИ

Сурхондарё вилоятида ишсизликнинг олдин олиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Вилоятда вақтинча иш билан банд бўлмаган аҳолини иш билан таъминлаш борасида Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси, туман ва шаҳар ҳокимликлари ҳамда Бандликка қўмақлашув маркази ҳамкорликда “Аҳолини иш билан таъминлаш ҳудудий дастурлари”ни ишлаб чиқди. Биргина 2006-2007 йилларга мўлжалланган ҳудудий дастурларга асосан, вилоятда мулкчилик шаклидан қатъий назар 36290 та янги иш жойлари яратилди. Жорий йилда бу кўрсаткич икки баробарга оширилди.

Айни пайтда бандлик дастурига кўра, иш ўринлари сонини ошириш мақсадида ишлаб чиқариш объектлари-

ни ишга тушириш, корхоналарни қайта қуриш ва кенгайтириш, кичик корхона ва микрофирмалар ташкил қилиш, оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Бундан ташқари, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларидаги ишсизликларни чуқурлаштириш, касаначилик фаолиятини кенгайтириш ҳамда шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжалиқларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш дастури-ни амалга ошириш юзасидан бажарилган ишлар вилоятда аҳолининг иш билан бандлигини оширишда муҳим омил бўлмоқда.

Шерзод ДУСНАЕВ,

ПИЛЛАЧИЛИК:

ЮТУҚ ВА МУАММОЛАР

Пилла ҳосили хирмони ва уни етиштириш қисқа мавсум бўлса-да, маъсулияти юксак палла. Негаки, хом ашёни қабул пунктларига сифатли етказиб бериш катта меҳнат талаб қилади. Барча жойда бўлгани каби қашқадарёлик "кумуш тола" ижодкорлари ҳам бу йилги мавсумни уюшқоқлик билан ўтказаяптилар.

Воҳода 48515 нафар пиллачилик звениси 53 минг қути ипак қурти парвариш-лаб, 2600 тонна юқори сифатли саноат хом ашёси тайёрлаш бўйича шартнома тўзган, — дейди вилоят "Пилла" акциядорлик бирлашмаси бошқаруви раиси Асрор Жалилов. — Бунинг учун баҳорда барча агротехник тадбирлар пухта амалга оширилди. Пиллакорларга олдиндан бўнак пуллари берилди. Шунингдек, режани ортиги билан бажарган пиллачилик звенеларига ҳар бир килограмм пилла ҳосили учун қўшимча 600 сўмдан ҳақ тўланадиган бўлди. Косон, Шаҳрисабз, Китоб, Қамаш, Нишон, Қарши туманлари пиллакорлари шартнома режасини вилоятда биринчилардан бўлиб бажардилар.

— Йигирма етти йилдан бунён ипак қурти етиштиришимиз, — сўзга қўшилади китоблик Мастура Эшонқулова. — Йил сайин яхшигина даромад олаёلمиз. Бу ишда келишим Зарифа Раҳматова, қизларим Шаҳодат ва Муножатлар яқиндан қўмақ бери-

шяпти. Бу йил ҳам 3 қути ипак қурти парвариш-лаб, 180 килограмдан ортиқ хом ашё топширдик... Шунингдек, режани ортиги билан бажарган пиллачилик звенеларига ҳар бир килограмм пилла ҳосили учун қўшимча 600 сўмдан ҳақ тўланадиган бўлди. Косон, Шаҳрисабз, Китоб, Қамаш, Нишон, Қарши туманлари пиллакорлари шартнома режасини вилоятда биринчилардан бўлиб бажардилар.



асосий хом ашё базаси — тўқчилари ривожлантириш ва уни асрашда муаммолар бор. Масалан, тўзторлар парвариши маъсулиятини аниқ қилишларга топшириб, назоратни қўчайтириш лозим. Шу билан бирга, фермер хўжа-

ликлари фаолият олиб бораётган жойларда 10-30 гектарлик тўзторлар барпо қилиниб, шу жойнинг ўзиде ипак қурти парвариш-лабига махсус қўрхоналар ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Ҳолбуки, баъзан тўзторлар аҳоли томонидан кесиб кетилаётгани сир эмас. Натижада тўз дараклари йилдан-йилга камайиб, пилла етиштиришда муаммолар юзага келмоқда...

Дарҳақиқат, бундай нохуш ҳолатларнинг олдини олиш нафақат пиллачилик билан шугулланаётган мутасаддилар, балки барчанинг диққат марказида бўлиши керак. Шавкат СУЛТОНОВ, "Адолат" мухбири.

Суратда: "Шаҳрисабз пилла" МЧЖ агрономи Норбиди Рустамова ва лаборатория мудираси Муборақ Рўзиева. Муаллиф олган сурат.

Мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар бугун ўз самарасини бермоқда. Хусусан, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаш борасидаги чора-тадбирларнинг амалга оширилиши халқимизнинг турмуш тарзини янада яхшилашга, даромадларини оширишга ижобий таъсир кўрсатмоқда.

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ — ИСЛОХОТЛАР БОШ ОМИЛИ

Айтиш мумкинки, айни пайтда бозор иқтисодиётига ўтиш бу шунчаки мақсад бўлибгина қолмай, у аввало, инсоннинг ҳаёти фаровон бўлиши учун шарт-шароит яратиб бериши ҳам назарда тулмоғи лозим. Шу сабабли иқтисодиётни эркинлаштириш ва ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини мунтазам такомиллаштириб бориш мўҳим ҳисобланади. Шу боисдан ҳам мамлакатимизда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, аҳолининг кам таъминланган қатламга, ногиронларга, қариялар ва кўп болали оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. 2006 йилда ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш учун сарфланган харажатлар давлат бюджетининг 51 фоизини ташкил этган бўлса, 2007 — Иж-

тимоий ҳимоя йилида 54,1 фоизи қилиб белгиланди. Бу маблағларнинг асосий қисми, албатта, аҳолининг кам таъминланган қатламларининг ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилди. Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, ижтимоий ҳимоя тизимини тубдан ислох қилиш, уни халқаро андозаларга мувофиқ тарзда ривожлантириш давр талаби, ислохотлар жадаллашувининг бош омилидир. Чунки бу давлат бюджетидан ажратилаётган маблағларнинг тўғри сарфланиши ижтимоий ҳимоя тизимининг самарали ишлатилиши таъминлайди. Бу эса ўз навбатида аҳолининг турмуш фаровонлигини янада ошишига ва даромадларининг юқори бўлишига ҳисса қўшади.

Б.ХОЛИҚОВ, НАҒЗАМОВ, ДИУ 2-курс магистрлари.



ЙИРИК ОПЕРАЦИЯ

Чуанда ўтказилган оммавий операция жараёнида собиқ диктатор Аугусто Пиночетнинг 98 нафар шеркари қамолга олинган. Уларнинг кўпчилиги ҳарбийлар ёки диктаторнинг махсус хизмати ходимлари бўлган.

Бу оммавий ҳибсга олинишига 1975 йилги "Коломбо операцияси"ни текшириш жараёнида рўхсат берилган. Қўлга олинганлар ўнлаб бегуноҳ кишиларни ўлдирган-дега айбланмоқда. Аугусто Пиночетнинг ўзи эса инсон ҳуқуқларини бузиб, оммавий қирғинлар содир этиш ва давлат мол-мулкни ўғирлашда айбланиб, судга жалб этишга ҳаракат қилинди, аммо у соғлиги ёмонлашгани тўғрисида судга ҳужжатлар тақдим қилди. Аниқроғи, 2006 йилнинг декабрида оламдан ўтди.

ЧЕГАРА РАҲБАРИ БЎШАТИЛДИ

Россиядаги йирик вазирилик ва идораларда ўзгаришлар кузатишмоқда.

Кўни кеча ҳукумат томонидан Энергетика вазирилик-ти туғрисидаги низом тасдиқланди. Унга қўра, энди вазириликда 12 та департамент ташкил этилади. Шунингдек, мамлакатнинг янги бош вазири Владимир Путин Россия чегараларини бошқариш идораси раҳбари вазифасида ишлаб келаётган Андрей Засипкинни ўз лавозимидан озод этди. Ҳозирча унинг ўрнига ким тайинлангани маълум эмас. Эслатиб ўтамиз, Россия чегараларини бошқариш идораси 2007 йилнинг октябрий ойида ташкил этилган эди. Интернет хабарлари асосида А.ХУРРАМОВ тайёрлади.

Шаҳ

МОНАРХИЯ ТАРИХГА АЙЛАНМОҚДА

Ҳозир жаҳонда 140 дан ортиқ мамлакат республика мақомига эга. Бу монархия шаклидаги давлатлардан қарийб 3 баробар кўп.

Дунёда ҳукумат бошқаруви монархиядан республика шаклига ўтаётган мамлакатлар сони тобора кўпаймоқда. Шулардан бири Осиёдаги Непал Қироллиги. Бу мамлакат, қироли Гьянендранинг истеъфода чиқарилиши натижасида конституцион монархия республикага айлантирилди. Эндilikда ушбу давлатнинг расмий номи Непал федератив демократик республикаси.



Ҳозир «Ўзбекистон» телеканали орқали намойиш этилаётган «Сўнги қиролчи» сериалини кузатётган бўлсангиз, бунда ҳам қироллик қадам бериш мавзуси ёритилган. Фильмда Япония билан Хитой ўртасида жойлашган 500 йиллик тарихга эга Чо Сон ҳокимиятини сақлаб қолиш учун қирол хонадонини тиш-тирноғи билан қурашади. Аммо қўнчиқар ўлка ҳам, Чин ҳам ушбу давлат аллақачон сиёсий инқирозга эга бўлиб қолган. Қиролнинг яхши билади ва ўз ерларини кенгайтириш илмининг ҳаракат қилади. Непалдаги вазиятни ҳам шунга қийслаш мумкин: қарийб 250 йил ҳукмронлик қилган Қироллик ўз халқини норозилик ва мамлакатда юзга келган янги ҳаёт шарт-шароитлар тўғрисида сиёсий ўзгаришларни талаб қилмоқда.

Қироллик хонадонидеги дастлабки муҳим воқеа қирол Мохендра Бирендре даврида содир бўлган. Ҳукуматнинг 28 йил давомида бошқарган шаҳзода ўз ваколатини топшириш арасида, яъни 2001 йил 1 июлда ўз ўлиги Дипендра томонидан отиб ўлдирилди, шунингдек, у онаси ва қиролликдаги бошқа аъзоларига ҳам шафқат қилмади. Орадан бир неча кун ўтиб, бошдан каттиқ яраланган шаҳзода ҳам вафот этди. Ёш Дипендранинг бундай ҳатти-ҳаракати гийҳванд моддалар истеъмол қилгани оқибати, дея изоҳланди. Бу Непал монархиясининг ҳақиқий фожеаси эди.

Шунга қарамай, халқ Қирол оиласига содиқлик қолди ва Гьянендра тахтга келди. Аммо у мамлакат ривожини, аҳолининг фаровонлигини таъминлаш ўрнига давлат хазинасини қўлга киритиш, ҳашаматли саройлар қуриши афзал кўрди. Ўз навбатида мамлакатнинг турли бурчларида муҳолифат маочилар ҳаракати кучайиб, фуқаролар уруши бошланиб кетди. Аммо бундай нохуш ҳолатни барта-раф этиш ўрнига қирол ҳукуматни тарқатиб юборди ва давлат бошқаруш органиларига ўзининг ишонган одамларни тайинлади. Қирол тобора авж олаётган муҳолифат ҳаракатини сиёсий куч билан бостириб, тартиб ўрнатилишига уринди, аммо тизгин аллақачон қўлдан кетганди. Мамлакатда, айниқсан, марказий бошқаруш жуда заифлиги боис, Непал қироллиги инқирозга юз тута бошлади.

2005 йили Гьянендра шаҳсан ўзи бош вазириликни эгаллади. Аммо орадан бир йил ўтиб, 60 ёшли ҳукмдорнинг бир неча йил мобайнида электр ҳақини тўламай қолгани ҳаммасидан ошиб тушди. Қиролнинг давлатдан 500 минг АҚШ доллари миқдоридеги қарздор экани ҳақидаги маълумот вазиятни янада мураккаблаштирди. Непалда электр энергия катта муаммо бўлгани учун уни иқтисод қилиш қўнғиятига айланган. Мамлакат жаҳонда жўрроқ жихатдан энг бандан ҳудудда жойлашган — ер майдонининг қарийб 40 фоизи 3 минг метр бандликдан иборат. Бу ерда электростанциялар жуда кам, янгиликларни қуришга эса табиий шартлар қийинчилик туғдиради. Шунинг учун ҳар бир киловатт электр қуввати олтинга тенглаштирилади. Бирок, шуниси қизиқки, бир неча ҳашаматли саройлар ва дангиллама қарлар эга қирол хонадонини пойтахт Катманду аҳолиси билан тенг миқдорда электр қувватидан фойдаланган экан!

Қиролнинг тахтдан кетишини умид билан кутган аҳоли ўз мақсадларига оммавий норозиликлар орқали эришди. Ҳукумат босқинчилик қилган ваколатларини қисқартириб, 2007 йилда уни расман ҳукуматдан четлаштирди. Ниҳоят, мамлакат тарихида илк марта бундай шундай илм афзолида конституцион ассамблея учун ўтказилган сайловларда маочилар бошқа партияларга нисбатан кўп овоз олишди. Айнан улар монархияга қарши узок вақтдан бунён қуролли кураш олиб бораётган эдилар.

Ҳозирга келиб аҳолиси салкам 28 миллиондан ортиқ бўлган Непалда давлат тузуми тобора ўзгариб бормоқда. Ҳукумат аъёнлари ҳам айни шу йўл орқали тараққиётга эришиш, жаҳон ҳамжамияти билан ўзаро тенг алоқалар ўрнатиш мумкинлигини айтишмоқда. Қадимда монарх хонадонидеги тағдилган фарзанд тахт вориси саналган. Давлат бошқаруви учун талаб қилинган сиёсий етуқлик, билим ва малакалар тадрижий ошириб боришган. Аммо кўп ҳолларда мамлакатни одилона бошқарган қиролдан сўнг тахтга келган ўғал ҳалқ ишончини қозониб, муваффақиятли сиёсат олиб боришгани тарихдан маълум. Монархияда қирол қандай қарор қабул қилмасин, унинг ижросини сўзасиз таъминлаш, халқ манфаатидан қўра, қирол хонадонининг шаъни ва қадр-қимматини устун деб билиш шарт бўлган. Ҳозирги кунда сиёсатнинг бундай қўрилишларини Африка ва Америка қитъаларидаги монархия давлатларида кузатиш мумкин. Умуман олганда, айни пайтда жаҳоннинг 50 дан ортиқ давлатларида монархиянинг турли қўрилишлари — қирол, подшо, император, султон, амрлар сақлаб қолинган. Уларнинг энг йириклари Осиё ва Европа мамлакатлари тўғри келади.

XXI асрда ҳам монархиянинг фаолият олиб бориши мамлакатда қадимий анъаналарнинг сақлаб қолгани билан боғлиқ. Ҳозирга келиб сайёрамизда монархия шаклидаги давлатлар тобора камайиб бормоқда. Бир кун бу шакл ҳам тарихга айланади. Балки давлат бошқарувининг республика шакли ҳам қачонлардир бошқача қўрилиш касб этар. Аммо ҳар қандай ҳолда ҳам халқ хоҳиши, истак ва манфаати доимо устун бўлиб қолаверди. Аслида давлатлардаги жиҳдий ўзгаришларга шу омилар туртки бўлиб келган.

Бехбуд БОТИРОВ, шарҳловчи.

Солиқ

ҚОНУНИЙ ФАОЛИЯТ — ФЙДА ГАРОВИ

Бугунги кунда тадбиркорлик фаолияти билан шугулланган деган ҳар бир фуқаро ҳукуматимиз томонидан барча шарт-шароит ва қўлайликлар яратиб берилмоқда. Бирок, яратиб берилган шунча имконият ва шарт-шароитларга қарамадан ноқонуний фаолият юритиб келаётган «тадбиркорлар» учраб тургани ташвишланарли ҳол. Бу энг аввало қонуний рўйхатдан ўтириб, солиқ ва бошқа тўловларни ўз вақтида тўлаб келмаётган тадбиркорлик субъектларига салбий таъсир қўрсатапти, қолаверса, аҳоли саломатлигига ҳам зиён етказаяпти. Чунки, ҳеч қандай боғжона тўловларини сиз айланма йўллар орқали кириб келган маҳсулотлар сифатсиз бўлса-да, арзон, энг ёмони, уларнинг қўнчилиги санитария-гигиена талабларига жавоб бермайди. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 28 июлдаги "Ноо-зиқ-овқат истеъмол товарлари савдо қилишни тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижроси юзасидан Самарқанд тумани ДСИ ходимлари томонидан «Марқанда» МЧЖ деҳқон бозори ҳудудида ўтказилган текширувда 2 миллион 340 минг сўмлик ҳеч қандай боғжона ҳужжатларисиз импорт товарларининг сотилаётгани аниқланди.

ТЕЗ, СИФАТЛИ, АРЗОН

хизмат кўрсатиш тадбиркорларга қўлайлик яратади

Бугунги кунда ишлаб чиқарилаётган ҳар қандай турдаги товар сифатли бўлмас экан, ҳоҳ ички бозорда, ҳоҳ ташқи бозорда рақобатлаша олмайд. Қолаверса, ҳар биримиз истеъмолчи эканмиз, саломатлигимиз ҳам бу маҳсулотларнинг сифати ва хавфсизлигига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Хоразм синов ва сертификатлаштириш маркази (ССМ) бу борада кўпгина ишларни амалга ошириб келаётган. Марказнинг сертификатлаштириш органи ва акредитланган синов мажмуаси "Маҳсулотларни ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида", "Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг "Маҳсулотларни сертификатлаштириш тартиботини соддалаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида мулкчилик шаклидан қатъий назар барча жисмоний ва юридик шахсларга тегишли маслаҳатлар бериши билан бирга зарур хизматларни кўрсатиб келмоқда.

Хусусан, марказнинг сертификатлаштириш органига жорий йилнинг биринчи чорагида 88 ёзма мурожаатлар келиб тушди. Сертификатлаштириш миллий тизимида эса белгиланган тартибга асосан ҳамда синовлар натижасида 152 та ишлаб чиқариш субъектига мувофиқлик сертификати берилди (ўтган йилнинг дастлабки чорагида 57 та мувофиқлик сертификати берилган). Тадбиркорларга озиқ-

овқат маҳсулотлари бўйича 76 та, электр маҳсулотларига 22 та мувофиқлик сертификати тақдим қилинган шунлар жумласидандир. Ҳамдўстлик мамлакатларининг бизнинг стандартларимизга мос келувчи мувофиқлик сертификати эътироф этиш (тан олиш) орқали 44 та мувофиқлик сертификати расмийлаштирилди. Мувофиқлик сертификати асосида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг давлат стандарти даражасида ҳамда сифат кўрсаткичлари меъёрида бўлиши ҳам мўҳим масала. Шу боис, белгиланган мuddатларда инспекция назорат ўтказиб турилиши табиийки, товар сифатига ижобий таъсир кўрсатади. Афсуски, ушбу назорат даврида айрим қорхоналарда жиҳдий нуқсонлар кўзга ташланиб қолмоқда. Жумладан, инспекция назорат даврида аниқланган нуомувофиқлик ва меъёрий ҳужжатнинг амал қилиш мuddати ўтиб кетгани сабабли (мисол учун, "Динамо спорт сервис" ЖК) 2 та мувофиқлик сертификати бекор қилинди.

Фаолият

4 та қорхонада ўлчаш воситалари вақтида қийсламангани ва синов лабораториялари аттестациядан ўтказилмагани боис берилган мувофиқлик сертификатларининг амал қилиш мuddати вақтинча тўхтатилди. "Янги-бозор озиқ-овқат ишлаб чиқариш ва сотиш" унитар қорхонасида ҳам юқоридаги каби камчиликлар аниқланди. Истеъмолчилар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш мақсадида давлат стандарти талабларига жавоб бермайдиган, вақтинча амал қилиш мuddати тўхтатилган ёки бутунлай бекор қилинган мувофиқлик сертификатлари берилган қорхона ва мувофиқлик тўғрисида тегишли назорат органлари ҳамда истеъмолчиларга маълумотлар юборилди.

Бундан ташқари биринчи чорак ҳисобот даврида 12135 дона ўлчов воситалари давлат қийслаш кўригидан ўтказилиб, шулардан 628 донаси носоз деб топилди. Умуман, бу давр мобайнида марказимиз томонидан жами 24 млн. 41 минг 500 сўмлик метрологик хизматлар кўрсатилди. Вилоятдаги юридик ва жисмоний шахсларга, тадбиркорларга қўлайлик яратиш мақсадида марказимизнинг сертификатлаштириш идорасининг акредитация доираси автотранспорт воситалари, ўйинчоқлар, целлюлоза, резина-полимер ҳамда машинасозлик маҳсулотлари турлари бўйича кенгайтирилди. Ушбу маҳсулотларни сертификатлаштириш учун республикамиз ҳудудида акредитациядан ўтган 9 та синов лабораторияси, 5 нафар эксперт-аудиторлар билан шартномалар имзоланди.

Мақсадимиз — барча ишлаб чиқарувчи ишбилармон-тадбиркорларимиз учун "тез, сифатли, арзон" хизмат кўрсатишдан иборат. Соҳа ваколатларининг ўз маҳсулотлари билан мамлакат ривожига ҳисса қўшишларида бизнинг ҳам улушимиз борлигидан мамнунмиз.

Алшер ҚОДИРОВ, "Хоразм синов ва сертификатлаштириш маркази" ДК директори.

ДЕҲҚОНГА ҚАНОТ, ЭКИНГА МАЛҲАМ

Бугунги кунда мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида изчил олиб боришган ислохотлар — мулкчилик шаклининг ўзгариши, фермер хўжалиқларининг ташкил қилиниши деҳқонларнинг ерга, қолаверса, минерал ўғитлардан фойдаланишга бўлган муносабатини тубдан ўзгартирди. Бунинг самараси ўлароқ, республикамизда, айниқсан сўнги йилларда қишлоқ хўжалик экинлари етиштириш бўйича белгиланган режалар ортиги билан бажарилиб келмоқда. Бу ютуқларда Навоий вилояти "Қишлоқхўжаликкимё" ҳудудий акциядорлик жамияти ва унинг жойлардаги филиалларининг ҳам муносиб улуши бор, албатта.

Хозирги пайтда вилоят бўйича минерал ўғитларга бўлган талаб инobatга олинган ҳолда, 29 та ўғит тарқатиш шохобчаси ташкил қилинган. Ушбу шохобчалар фермер хўжалиқларига ўз вақтида минерал ўғитларни етказиб бермоқда. Жумладан, Навбахор туманида — 8 та, Хатирчида — 9 та, Қизилтепада — 6 та, Карманда — 5 та ва Қонимек туманида 1 та ана шундай шохобчалар фаолият юритмоқда. Эътиборлиси, улар компьютер воситалари, техникалар ва бошқа зарур жиҳозлар билан

таъминланган. Умуман олганда, марказий оғмор ва минерал ўғит тарқатиш шохобчалари 38 та юк автомашинаси ҳамда 62 та тиркачли трактор ўғит ташиш учун бириктириб қўйилган. — Ана шу техникалар ёрда-

мида жорий йилда бошқоқ дон экинлари парвариши учун 16 минг 740 тонна азотли, 4 минг 887 тонна фосфорли ва 122 тонна калийли ўғитлар фермер хўжалиқларига етказиб берилди, — дейди вилоят "Қишлоқхўжаликкимё" ҳудудий акциядорлик жамияти раиси М.Ҳакимов. — Шунингдек, чигит экиш олдида ва озиклан-тириш учун 5 минг 588 тонна азотли, 2 минг 629 тонна фосфорли, 35 тонна калийли ўғитлар дала майдонла-

рига етказилди. Шунингдек, оғмор билан ишлаб олиб борилаётган сабабли моддий техника базамиз йил сайин мустаҳкамланиб бора-япти. Натижада агрокимё хизматлари кўрсатиш ҳажмининг ўғитлар эритмаси (супензия) билан озиклантирилишмоқда. Ҳозиргача гўза экинларини инқинчи маротаба супензия қилиш ишлари жадаллик билан олиб боришмоқда. Умуман олганда, мавсум давомида гўзаларни тўрт марта минерал ўғитлар эритмаси билан озиклантириш режалаштирилган. Ушбу юмушларни ўз вақтида сифатли қилиб амалга ошириш мақсадида ҳозиргача вилоят бўйича 9 та ОБХ аппарати, 21 тангангай пурақичи, 400 та моторли механик пурақич харид қилиниб, фермер хўжалиқларига тарқатилди. Бундан ташқари, 24 та шохобчада супензия тайёрлаш майдонлари ташкил қилинган бўлиб, улар етарли миқдордаги зарур жиҳозлар билан таъминланган.

Дарвоқе, вилоят "Қишлоқхўжаликкимё" ҳудудий акциядорлик жамияти турли хил хайрия тадбирларига ҳам астойдил бош қўшмоқда. Бу йил вилоят қўзи оғизлар жамиятига 200 минг сўм, Меҳрибонлик уйига 150 минг сўм, болалар спортини ривожлантиришга 2 миллион сўм миқдорда ҳоимийлик ёрдамлари кўрсатилди. Бу борадаги хайри юмушлар давом эттирилимоқда.

Алшер ҚОРАЕВ, "Адолат" мухбири.


Олий ҲАКИМОВ, "Адолат" мухбири.



Тошкент шахрининг 2200 йиллиги

Эрамининг бошларида қадимги Тошкент воҳасида шаҳар ҳудуди кенгайиб, Жўнарик, Қорасув ва Салор сўғориш тармоқлари бўйлаб қатор шаҳар типидagi аҳоли яшайдиган турар-жойлар бунёд этилган. Қадимги анҳорлар соҳилларида қад кўтарган обидалар, яъни Бўзонтепа, Нуғойқўрғон, Таваккатепа, Мингўрик ва бошқа тарихий жойлар мухтаassis олимларимиз — археологлар томонидан илмий асосда ўрганилди. Бу тарихий ёдгорликлар орасида бирмунча чуқурроқ ўрганилгани Мингўриқдаги қадимги шаҳар харобасидир.

МИНГЎРИҚДАГИ ҚАДИМИЙ ШАҲАР




У Тошкент темир йўл вокзали яқинидаги Салор канали бўйида жойлашган. Мингўриқтепа I-XIII асрларга доир шаҳар қолдиғи, археологик ёдгорлик ҳисобланади. Бу қадимий шаҳар харобалари ўрнида XIX асрда, яъни Кўкун хонлиғи даврида катта ўрикзор барпо этилади. Шу боис, бу тарихий жойни шаҳар аҳолиси "Мингўриқтепа" деб, унинг атрофларидаги аҳолини эса "Мингўриқтепалликлар" деб атай бошлаган. XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб бу ерда катта жойини эгаллаган савдо расталари, чодирлар қурилган. Ҳар ҳафтада икки кун бу манзилга юзлаб, минглаб савдо қарвонлари келиб турган. Байрамлар, сайиллар ўтказиладиган бу жой ободонлаштирилган. Бир сўз билан айтганда, қадимий ва тарихий Мингўриқ майдони, Салор ариғи соҳиллари ҳақиқий сайилгоҳ, кўнгилочар масканлардан бўлган.

Узбекистон Республикаси Президентининг "Тошкент шахрининг 2200 йиллигини нишонлашга тайёргарлик қилиш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги Қарори асосида шаҳаримиздаги Абулқосим, Бароқхон, Кўкалдош мадрасалари, Кафол Шойиш, Қалдирғочий (ҳазрати Мир), Юнусхон, Зайиндинбобо, Ҳўжа Аламбардор макбаралари, Шайхонтоҳур мажмуаси ва бошқа тарихий обидалар таъмирланиб, асл қиёфасига келтириляпти. Шулар қаторида Тошкент (Чоч, Шойнинг қадимий марказий шаҳри ҳисобланган Мингўриқ шаҳар харобалари атрофи ҳам тазаланиб, янада ободонлаштириляпти. "Шарқ дарвозаси" деб айтиладиган азим, обод шаҳаримизга келган хоржий сайёҳлар, меҳмонлар мустақиллик йилларида бунёд этилган мухташам бинолар, улкан кўприклар, равон ва ёруғ йўлларни, кўчаларни кўриб, кўнгиллари янада қувончларга тўлади.

Ҳар тўрт йилда бир мартаба ўтказиладиган кўна қитъа чемпионатини нафақат европалликлар, балки бутун дунё футбол ишқибозлари интизорлик билан кутишмоқда. Ун учинчи мартаба ўтаётган нуфузли мусобақа катнашчилари тўрт гуруҳга бўлиниб, баҳсларга қиршиядилар. Ҳар бир гуруҳнинг икки етакчи жамоаси эса чорак финал йўлланмасини кўлга киритади. Ҳамиша ўзига хос кашфиётлар, кутилмаган натижаларга бой ўтадиган бу баҳсларда кимнинг голиб бўлишини олдиндан ҳеч ким айтиб бера олмаган. Тўғри, доимо турли

Касби туманидаги 16-мактабда ўпан йилнинг декабрида таэквандо тўраги ўз фаолиятини бошлаган эди. Ҳа пайта ўн нафар бола ушбу спорт тури билан шуғулланган бўлса, ҳозирги пайта эса юзга яқин ўғил-қизлар машғулотларда қатнашишмоқда. Спорт тўрагимизда таэквандо сирлари пухта ва мукаммал ўлаштириляптани боис, қатор ютуқларни кўлга киритаёلمиз, — дейди тўрага раҳбари Хуршид Каримов. — Ҳозиргача ёш шогирдларимиздан ўн нафари вилоят миқёсида турли мусобақаларда голиб бўлишди.



Суратда: спорт тўрага раҳбари Хуршид Каримов шогирдларига таэквандо сирларидан сабоқ бермоқда.

Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

Тўртинчи босқич йўлланмаси

тақдирини футболчиларимиз эртага пойтахтимиздаги МҲСК стадионида Сингапур терма жамоасига қарши ўтказиладиган учрашувда ҳал қилишади

2010 йили Жанубий Африка Республикасида бўладиган навбатдаги жаҳон чемпионати саралаш учрашувларининг Осие минтақаси учинчи босқич баҳслари қизгин паллага кирди. Мусобаканинг "Д" гуруҳида қатнашаётган Узбекистон миллий терма жамоаси 3-турда Сингапур футболчиларига қарши майдонга тушиб, 7:3 ҳисобида зафар қучгани мамлакатимиз футбол ишқибозларига ажойиб совға бўлди.

Гуруҳдаги иккинчи ўинида Саудия Арабистони терма жамоаси ўз майдонида Ливан футболчиларини йирик — 4:1 ҳисобида мағлубиятга учратди. Аммо гуруҳдорларимизнинг бу ғалабаси ҳамюртларимизнинг гуруҳдаги мавқеига салбий таъсир кўрсатгани йўқ.

Агар мусобақа низомига кўра, ҳар бир гуруҳдан иккитадан жамоа кейинги босқичга йўлланма олишини ҳисобга олсак, Рауф Инилев шогирдлари бу масалани деярли ҳал қилиб бўлишган. Эртага Тошкентда ўтадиган Узбекистон — Сингапур терма жамоалари жавоб учрашувидан вакилларимиз ўзларининг ғалабали оидимларини давом эттиришса, амалда футболчиларимиз учун навбатдаги босқич эшиклари муддатидан олдин очилади.

Table with 6 columns: Country, G, Y, D, M, T-N, O. Rows: 1. Uzbekistan, 2. Saudi Arabia, 3. Singapore, 4. Lebanon.

КИЧИК ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИНИНГ КАТТА ҲАЯЖОНЛАРИ

Эртага Швейцария ва Австрия лиши майдонларида футбол бўйича XIII Европа чемпионати старт бериледи

Ҳар тўрт йилда бир мартаба ўтказиладиган кўна қитъа чемпионатини нафақат европалликлар, балки бутун дунё футбол ишқибозлари интизорлик билан кутишмоқда. Ун учинчи мартаба ўтаётган нуфузли мусобақа катнашчилари тўрт гуруҳга бўлиниб, баҳсларга қиршиядилар. Ҳар бир гуруҳнинг икки етакчи жамоаси эса чорак финал йўлланмасини кўлга киритади. Ҳамиша ўзига хос кашфиётлар, кутилмаган натижаларга бой ўтадиган бу баҳсларда кимнинг голиб бўлишини олдиндан ҳеч ким айтиб бера олмаган. Тўғри, доимо турли

башорат ва тахминлар билдирилган. Аммо яқунда бу амалга ошмаган. Учрашувлар Австриянинг Инсбрук, Клагенфурт, Зальцбург, Вена, Швейцариянинг Базель, Берн, Женева ҳамда Цюрих шаҳарларидаги стадионларда бўлиб ўтади. Чемпионат 7 июнь кунин Базелдаги "Санкт-Якоб Парк" стадионида Швейцария — Чехия терма жамоалари "тўқнашув" билан бошланса, 29

июнь кунин Вена шаҳридаги "Эрнст-Халпелл-Штадион" уйингоҳида ўтадиган финал учрашув навбатдаги Европа чемпиони номини аниқлаб беради. Энг муҳими, кичик жаҳон чемпионати номини олган ушбу нуфузли мусобақа ҳаяжонлари бошланмоқда. Унда кимларга омад кулиб, кимдан юз ўтиришини олдиндан айтиб бера оламиз. Мувиша АЛИЕВА.

Table with 4 columns: Group, Country, Country, Country. Rows: Group A, B, C, D.

1870 йилги маълумотга кўра, унинг майдони 30 гектардан ортиқ бўлган. Тузилиши тўртбурчак арқа ёндашган минора-қаср ва шахристоннинг тепаликка айланган ҳудудидан иборат. Мингўриқ тепа ўрнида, яъни Салор бўйида милоннинг I-II асрларида дастлаб, атрофи мухташам мудофаа девори билан ўралган, унчалик катта бўлмаган тўртбурчак кўрғон қад кўтарган экан. Кейинчалик бу кўрғон кенгайиб йирик бир масканга айланган. Қадимшунос олим М.Е. Массоннинг тахминларига кўра, араблар келмасидан олдин Шой подшоҳининг тураржойи Мингўриқ шаҳар харобаси ўрнида бўлган.

1959 йили қадимшунос О.В.Обельченко Мингўриқнинг сақланиб қолган қисмидаги тепаликда қазिश ишларини олиб бориб, шаҳарнинг қадимги ва ўрта аср тарихига оид моддий ёдгорликларни топган. Кўлга киритилган тарихий ашёларга таяниб, мутахассислар Мингўриқ тепада эрамининг I асрида аҳоли яшаган жой бўлган, деб ҳулоса қилишди. Археологик текширишлар натижасида шаҳар ҳаётининг уч асосий босқичи аниқланган. Биринчи босқич I-IV асрларга, учинчи босқич эса VII-VIII асрларга тўғри келади. Мана шу даврларда турар-жойлар, мудофаа қалъа деворлари қурилиб, шаҳар тез ривожланган, мухташам арк ва шахристонга эга йирик шаҳар маркази қад ростлаган. VI аср охирига келиб шаҳар Чочнинг пойтахтига айланади. Сўнги учинчи босқичда шаҳарда меъморий қурилышлар, безакдор ва нақшкор бинолар кўпаяди, маданият, санъат, хунармандчилик ва савдо тез ривожланади.

Тарихий манбаларда ёзилишича, шаҳарда мусика ва рақс санъати юксак даражага кўтарилган. Шаҳарнинг мудофаа деворлари аслода-ларнинг деворий расмлар

"Адолат" ҳуқуқий маслаҳатхонаси

ТАКЛИФЛАР БИР ОЙДА КЎРИБ ЧИҚИЛАДИ

Фуқароларнинг муурожаатлари — ариза, шикоят ва таклифлари тегишли органлар томонидан қанча вақт ичида кўриб чиқилади? Шу ҳақда батафсил маълумот берсангиз. Н. Чориев, Сурхондарё вилояти.

Амалдаги қонунчиликка кўра, фуқаролар томонидан ариза ёки шикоят унинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини бузувчи ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) содир этилгани ёки қарорлар қабул қилингани маълум бўлган пайтдан эътиборан узоғи билан 1 йил ичида берилиши мумкин. Урли сабабларга кўра, ўтказиб юборилган муддат ариза ёки шикоятни кўриб чиқувчи давлат органи томонидан тикланади.

Фуқаролар томонидан давлат органларига қилинадиган муурожаатларга ўзига хос талаблар қўйилган. Шунга биноан муурожаатларда фуқаронинг исми, отасининг исми, фамилияси, яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган, ариза, таклиф ёки шикоятнинг моҳияти баён этилган, муурожаат қилувчининг имзоси бўлиши лозим. Акс ҳолда, муурожаат аноним деб ҳисобланади ва кўриб чиқилмайди. Барча талабларга жавоб берадиган муурожаатлар албатта қабул қилиниши ва кўриб чиқилиши керак.

Муурожаатлар, агар улар қўйилган масалаларни ҳал этиш ваколат доирасига кирмайдиган давлат органига юборилган бўлса, узоғи билан 5 кунлик муддат ичида тегишли органларга жўнатилади ва бу ҳақда фуқарога хабар қилинади. Муурожаатларни кўриб чиқиш учун бошқа давлат органларига асоссиз равишда бериш ёки қарори ёхуд ҳаракати устидан шикоят қилинаётган давлат органларига, мансабдор шахсларнинг ўзига жўнатиш ман этилади. Фуқароларнинг муурожаатларини ҳар тарафлама муфассал ва холисона кўриб чиқиш учун қўшимча ахборотлар, маълумотномалар ва материалларга зарурат пайдо бўлса, муурожаатни кўриб чиқаятган давлат органининг мансабдор шахси қўшимча ахборот тўплаши мумкин.

Фуқароларнинг таклифлари тушган кундан эътиборан 1 ойгача бўлган муддат ичида кўриб чиқилади, қўшимча ўрганиши ва текшириши талаб этмайдиган ариза ёки шикоятлар эса 15 кундан кечиктирмай кўриб чиқилади. Ариза ёки шикоятни кўриб чиқиш учун текшириш ўтказиш, қўшимча материаллар талаб қилиб олиш ёки бошқа чора-тадбирлар кўриш зарур бўлган ҳолларда, ариза ёки шикоятни кўриб чиқиш муддати тегишли давлат органи раҳбари томонидан истисно тарихида узоғи билан 1 ойга узайтирилиши мумкин. Бу ҳақда ариза ёки шикоят берган шахсга маълум қилинади.

Саволинга ТДОИ магистранти Дилмурод САЙДУЛЛАЕВ жавоб берди.

Адолат хатти-ҳаракатларимиз ва ҳар қандай истакларимизнинг асоси бўлмоғи лозимдир. К.Рияев.

Истиқболимиз эгалари бўлиши ёш авлодни соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш мамлакатимизда энг устувор масалалардан бирига айланган. Ана шу хайрли юмушни рўёбга чиқариш мақсадида республикамизда кўплаб таҳсинга сазовор ишлар амалга оширилмоқда. Бўз туманидаги "Истиқлол" оромгоҳида Халқаро болаларнинг химоя қилиш кўнига бағишлаб ўтказилган тадбир ёш авлодга бўлган юксак ғамхўрликнинг ёркин ифодаси бўлди. Шу кунин тумандаги 72 нафар кўнгли ўқисқ болажонлар оромгоҳга таклиф қилиниб, уларга совға-саломлар топши-

ЁЗГИ ОРОМГОҲ БОЛАЖОНЛАРНИ ЎЗ БАҒРИГА ОЛДИ

риди. Ажойиб куй-қўшиқлар тадбир иштирокчилари қалбига ўзгача заъв-шавқ бағишлади. Бундан ташқари, туман ҳокимлиғи мутасаддилари 10 нафар ногирон ўғил-қизлар ҳолидан хабар олишди.

Дарвоқе, шу кунин "Истиқлол" болалар оромгоҳининг очилиш маросими ҳам бўлиб ўтди. Барча шарт-шароитлар тахт қилинган сўлим оромгоҳ ўйнаб болажонларни ўз бағрига олди.

— Жорий йилнинг "Ёшлар йили" деб эълон қилиниши зиммаимизга янада катта масъулият юклади, — дейди биз билан суҳбатда туман Халқ таълими бўлими мудирини Фахриддин Кўзиёв. — Шу боис, бу йил ёзги соғломлаштириш масъумига ҳар қанчонидан ҳам пухта тайёргарлик кўрдик. "Истиқлол" болалар оромгоҳидан ташқари яна иккита мактабимиз қошида кундузги оромгоҳлар фаолиятини йўлга қўйдик. Ушбу оромгоҳларда ўйнаб ўғил-қизларимиз ёзги таътилларини мазмунли ўтказишиб, мароқли ҳордиқ чиқаришади.

Ойбек АБДУЛЛАЕВ.

ADOLAT IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA MUASSIS: UZBEKISTON «ADOLAT» SDP SIYOSIY KENGASHI www.adolat.uz

Бoш муҳаррир Холтўра ШАҒОАТОВ Газета Узбекистон Матбуот ва ахборот агентлиғи томонидан 0018 рақами билан рўйхатга олинган

Таҳрир ҳайъати Дилором ТОШМУҲАМЕДОВА, Иқбол МИРЗО, Туреунали ҚЎЗИЕВ, Турғунўлат ДАМИНОВ, Равшан ҲАЙДАРОВ, Мамазор ХЎЖАМБЕРДИЕВ, Исmoil САИФНАЗАРОВ, Собир ТУРСУНОВ, Шермаг ШАМСИЕВ, Светлана ОРТИҚОВА, Мукаррамхон АЗИМОВА, Жуманиё АЛИБЕКОВ, Камол АЛЛАЕВОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Талъат МУРОДОВ.

Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланиши «Адолат»дан кўчириб босиш фақат таҳририят руҳсати билан амалга оширилади. t — Тижорат мақсадлар белгиси. Нашр индекси — 100 Навбатчи муҳаррир — Бахтиёр ТОШНАЗАРОВ Навбатчи — Матёқуб НАРЗИЕВ Саҳифаловчи — Латифжон ТУРСУНОВ